

ЎРХУН ТОШБИТИКЛАРИ ЭЛ БИРЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

Насриддин Атакулович НАЗАРОВ

Фалсафа фанлари доктори
сиёсий фанлар доктори
профессор

Тошкент Архитектура-қурилиш институти
Тошкент, Ўзбекистан
nasrid@mail.ru

Аннотация

Мақолада тарихий тафаккур ривожига хизмат қилувчи илк туркий ёзма манба – Ўрхун ёдгорликларидаги тарихий ҳикматлар, уларнинг эл бирлигини таъминлашдаги ўрни масалаларига эътибор қаратилади. Шунингдек, Ўрхун тошбитикларини ўрганишда туркология фани, унинг туркий тадқиқотлар ривожига роли тадқиқ этилади. Тошбитиклардаги ҳикматларнинг бугунги кунда ҳам маънавий ғоявий тарбия манбаи эканлиги масалалари таҳлил этилади.

Таянч сўзлар: Ўрхун ёдгорликлари, битиктошлар, тарихий тараққиёт, маънавият, ғоя, эл бирлиги, туркология, ватанпарварлик.

ОРХОНСКИЕ ПИСЬМЕННЫЕ ПАМЯТНИКИ КАК ИСТОРИЧЕСКИЙ ИСТОЧНИК НА ПУТИ ЕДИНСТВА НАРОДА

Насриддин Атакулович НАЗАРОВ

Доктор философских наук
Доктор политических наук
профессор

Ташкентский архитектурно-строительный институт
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

Статья посвящена историческим мудрым изречениям в Орхонских памятниках, которые считаются первыми тюркскими письменными источниками, рассматривается их роль в развитии исторического мышления, обеспечении единства народа. Изучены роль туркологии в изучении Орхонских памятников, развитии общетюркских исследований. Анализируются вопросы духовно-идеологического воспитательного значения письменных памятников.

Ключевые слова: Орхонские памятники, надписи, историческое развитие, духовность, идея, единство народа, туркология, патриотизм.

Тарихий тараққиёт давомида эл бирлигини таъминлаш доимо етакчилар ҳамда зиёлиларнинг диққат эътиборида бўлиб келганлиги манбалардан маълум. Хусусан, VII асрнинг охири ва VIII асрнинг бошларида қадимги туркий мутафаккир Йўллий тегин – Култегин, Билга ҳокон, Қутлуг

Элтериш ҳоконлар шарафига қўйилган ёзма ёдгорликларнинг муаллифи, теран тафаккур соҳиби туркий маънавият ва маърифатнинг тамал тошини қўйган мутафаккир сифатида турк ҳоконлиги даврида ўзига хос ўрин тутганлиги Ўрхун тошбитикларидаги маълумотлардан аён. Ёзувларда қадимги туркийларнинг маданий турмуш даражаси, адабий имкониятлари, тарихий воқеалар инъикоси, тафаккур кенгликлари ифодаланганлиги билан диққатни жалб этади. Қадимги туркийлар сиёсий бирлигининг етакчилари Билга ҳокон ёдгорлиги (732 йил) ва унинг укаси Култегин ёдгорлиги (735 йил) (Кошо-Цайдам ёзувлари) ва шунингдек, маслаҳатчи Тонюқукқа аталган ёзув (716 йилдан кейин яратилган)ларда даврнинг тарихий воқеалари силсиласини ўзида ифодалаб, туркий баҳодирлар жасоратли фаолиятларининг акс этганлиги – туркий халқлар тарихи ва маданиятининг тошбитикларда ифодаланган дастлабки боби эканлиги билан характерлидир.

Туркийлар кўчманчи ва ўтроқ маданиятга мансуб суперэтнос сифатида инсоният ижтимоий-маданий тараққиётига ҳисса қўшиб келганлиги тарихдан аён. Шунингдек, туркий халқлар умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми бўлган туркий маданиятга асос солиб, тарихий тараққиёт давомида ижтимоий-маданий жараёнлар ривожини таъминлаб келди. Албатта, маданият, урф-одат ва анъана ёзувдан минглаб йиллар олдин шаклланиб, маданиятнинг нисбатан юқори босқичи ёзувни вужудга келтиради. “Қадимги туркларнинг тарихий, маданий ва интеллектуал хазинаси бошқа халқларнинг маънавий салоҳияти каби узоқ вақт давомида шаклланган, моддий маданиятда мужассамланган, билим ва кўникмаларни ишлаб чиқаришда авлодларга ўтиб келган. Кўчманчиликнинг ўзига хос хусусияти нафақат кўчманчиларнинг юқори ҳаракатчанлигида, балки чарм, ёғоч, суяк ва жундан фойдаланишни афзал кўрган дашт ва ўрмон-дашт аҳолиси ҳаётининг экологик хусусиятларни ўзида мужассам этганлигида ҳам намоёндыр» [4;8-9]. Албатта, туркий халқлар ҳамда уларнинг маданиятга мансублик хислатлари ҳақида гап кетганда туркийларни кўчманчилик маданияти билан боғлаш анъаналари илмда устувор моҳиятга эга. Лекин, бу аجدодларимизни

бутунлай кўчманчи бўлган, ўтроқ маданият туркийларга ёт дегани эмас. Кўчманчилик маданиятида мужассам бўлган пассионарлик салоҳияти дунёни туркийларга танитгани каби, туркийларни ҳам дунёга танитди. Улар ўтроқлашиб, илгари умуминсоний цивилизацияга ҳисса қўшиб келган бўлса, энди цивилизациялашув жараёнларининг бошида турди. Қорақурум, Бешбалиқ, Сигнақ, Баласоғун, Пайкент, Марв, Бухоро, Самарқанд ва ҳоказо шаҳарлар туркий ўтроқ маданиятнинг реал инъикоси сифатида илк ўрта асрлар ва айримлари бугунги кунда ҳам савлат тўкиб туриптилар. Шу боис, кўчманчилик ва ўтроқ маданияти туркий халқларга хос бўлиб, уларнинг ўзаро мужассамлашган ҳосиласи туркий цивилизацияни вужудга келтирганлиги эътиборлидир. “Уч минг йил давомида икки цивилизация: кўчманчи ва ўтроқ, нисбий ички автономияни сақлаб, бир-бири билан ёнма-ён ривожланиб, бир-бирини янада бойитиб, ягона умумий цивилизация яратдилар. Кўчманчилар орасида туғилган гумбаз меъморчилиги бутун дунё бўйлаб тарқалиб, дунё халқларининг мулкига айланди; шаҳар аҳолисининг устахоналарида пайдо бўлган ҳунармандчиликни кўчманчи халқлар ўзлаштирди» [10;8]. Бундай умумий цивилизация туркий цивилизация сифатида умуминсоний тараққиётнинг ривожига ҳисса қўшиб келди. "Улар (қадимги туркийлар – Н.Н.) чорвачилик билан шуғулланишган, алоҳида ўтроқ шароитларига ҳам эга бўлишган. Металларни, жумладан олтинни қайта ишлаш техникасини ўзлаштирган эдилар" [1;10]. Демак, металлургия саноатининг ҳам тамал тоши қадимги туркийлар томонидан қўйилган бўлиб, ушбу жиҳат ҳам уларнинг ўтроқ ҳаёт кечирганлигини тасдиқлайди. Зеро, метал, жумладан олтин қазиб чиқариб, уларга ишлов бериш – фақат ўтроқ турмуш тарзига эга бўлган халқларгагина хосдир.

Қадимги туркийлар тарихи ва маданияти айрим хорижий манбалар билан бир қаторда турк тилида ёзилган битиктошларда ўзининг ифодасини топган. Туркий маданиятнинг илк намуналари ҳисобланган Ўрхун ёзма ёдгорликларининг тарихий моҳиятига эътибор қаратгудек бўлсак, унда: «Отамни хон сифатида, онамни эса хотун сифатида эъзозлаб кўкка кўтарган

осмон: "Турк халқининг исми ва шон-шарафи сўнмасин!", Қабилаларини берган осмон (хоннинг ҳукмронлиги остига) (бу сафар ҳам): «Турк халқининг номи ва шон-шухрати сўнмасин» деди: "Бу исм йўқ бўлиб кетмаслиги учун ҳам осмон мени кўтарди (ва хон қилди)» [9;23], деган ҳикматлар мавжуд. Ушбу битикларда туркий элнинг баҳодирона фаолияти ифтихор ҳисси билан кайд этиладики, ушбу сатрлар бугунги кунда ҳам ёшларимиз орасида тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, уларда тарихий тафаккурни юксалтириш орқали ифтихор туйғусини, фахру ғурурни, ватан ва эл тақдири учун масъуллиқ ҳиссини, умумий тақдир ўзаро ҳамжиҳатлик масъулиятини юксалтиради. Ушбу жиҳатлар бугунги маънавий янгиланишлар шароитида, жамиятнинг ижтимоий-маданий юксалишида муҳим.

Зеро, муайян элнинг муваффақияти, ўзаро бирлашишга мойиллик хусусияти шахсий омил билан, яъни етакчининг маҳорати билан боғлиқ: «Фалакдай Тангри яратган Турк Билга ҳоқон сўзим: отам турк доно ҳоқони тахтга ўтирганда тўққиз ўғуз қаҳрамонлари, унинг машҳур беклари ва унинг халқи ҳурмат кўрсатдилар. ...Ўн етти ёшимда Тангут тарафга лашкар тортдим... Ўн саккиз ёшимда Олти чуб суғдақ томонга қўшин тортдим, халқини тор-мор қилдим... Йигирма икки ёшимда Табғач томонга лашкар тортдим.... Тангри ёрлақгани учун, мен муваффақиятга эришганим учун, Турк халқи ғалаба қозонди. Мен томондан давлат бундай бошқарилмаса, Турк халқи ўлажак эди, йўқ бўклажак эди» [8;136-137]. Албатта, муайян халқнинг ғалабасида ҳамда зафар қучишида сиёсий-ҳарбий етакчининг ўрни беқиёс. Ушбу жиҳатлар:

1) ижтимоий-сиёсий жараёнларда муайян халқ, миллат, эл ва элат муваффақиятини таъминлаш бевосита сиёсий-ҳарбий етакчининг раҳбарлик маҳорати ва қобилияти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини;

2) эл буюк бўлиши учун – унинг йўлбошчиси буюк бўлиб, ҳарбий-сиёсий иродани ўзида тўлиқ мужассамлаштира олиши жоиз. Зеро, муайян халқ ва элнинг муваффақияти бевосита сиёсий раҳбарнинг ташкилотчилик

қобилияти билан алоқадор бўлиб, бошлиқдаги хислат ва хусусиятларнинг аксарияти элнинг кундалик фаолиятида мужассам эканлигини билдиради.

Маълумки, тарихий тафаккур аждоғларимиз томонидан ижтимоий-тарихий тараққиёт шароитида яратилган моддий ва маънавий бойликларнинг инсон ёки муайян гуруҳ онгида акс этиб, намоён бўлиб, эл ва юрт манфаатлари йўлида хизмат қилиш иштиёқининг устунлик даражада намоён бўлишидир. Шу боис, ҳар бир шахсда тарихий тафаккур ўзлигини англаб, тарихий қадриятларига содиқ бўлиб, элпарварлик ва ватанпарварлик хислатининг тафаккурда мустаҳкам қарор топишидир. Инсоннинг инсоний моҳиятини онг ташкил этар экан, демак онг ва тафаккур ҳар бир шахс, жамоа, этник гуруҳ, этнос, миллат ва суперэтноснинг умуминсоний цивилизация босқичларидаги ўрнини англашида ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Тарихий тафаккур ижтимоий онгда ворисийлик хусусиятини ривожлантиради. Ва бундай ворисийлик асосида тарихий меросга мансублиги ривожланиб боради. «Янги аср, янги минг йиллик, дунё манзарасининг ўзгариши, инсон эволюцияси трансформацияси, илмий парадигмаларнинг алмашинуви ҳам ижтимоий, ҳам гуманитар билимларга, ҳам билиш усулларига из қолдирди ... Шажаралар, маданият, менталитет ва тарих фалсафасига қизиқиш ортиб бормоқда. турли цивилизациялар ва маданиятлар, уларнинг дунё цивилизацияси ва тарихий жараёнидаги ролини объектив акс эттиришга мойиллик кузатилмоқда» [6;145-146]. Тафаккурда юз бераётган бундай эврилишлар шароитида ҳар бир шахс ўзининг ўтмишига ҳурмат ва эҳтиром асосида муносабатда бўлиши тақозо этилади. Шунингдек, тарихий тафаккурда маданий ёки маънавий меросга мансубликни ифодалашда ҳар бир ижтимоий-тарихий даврга хос бўлган йўналтирувчи ғоя зарурий аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида тафаккурда элпарварлик ва ватанпарварлик хислатлари ривож бевосита ушбу омил билан боғлиқ. Ушбу жиҳат табиий равишда эл бирлиги йўлида камарбаста бўлишни тақозо этади.

Инсоният ўзининг ибтидосида табиий муҳит билан ҳамоҳанг равишда шаклланиб, дастлаб ов қуроли ва сўнгра бора-бора ўз маънавий дунёсини тарғиб этиш қуrolларини ясаб, ўзлигини намоён эта бошлади. «Мамлакатнинг маҳаллий аҳолиси (автохтон) бутунлай ўзи яшайдиган атроф-муҳитга тегишлидир... Ўрмон одамга бошпана, озиқ-овқат ва ҳаёт учун зарур бўлган барча нарсаларни беради. Ўзини ҳимоя қилиш инстинкти одамни қўлига қурол кўтаришга мажбур қилди» [3;7]. Ва бу қурол дастлаб ов қуrolлари бўлган бўлса, кейинчалик маданий ва маънавий қурол сифатида инсониятнинг ўз руҳий оламини намоён этишга йўналтирилди.

Бугунги кунда аجدодларимизга хос бўлган бундай қаҳрамонлик ва эл бирлигини таъминлаш йўлида фаолиятни ўрганиш туркий халқларга мансуб миллатлар орасида ўзликни англаб, тарихий қадриятларга мансублик ҳислатларининг ривожини таъминлашда муҳим. Бу туркий халқларда, айниқса ёшларда аجدодларимиз руҳига ҳурмат ва эҳтиром руҳини шакллантириш билан бир қаторда, ватанпарварлик ҳиссининг юксалишида ҳам аҳамиятлидир.

Маълумки, туркий халқларга хос этно-иҷтимоий, маданий ва тарихий жараёнлар тадрижий такомил, жумладан Ўрхун ёзма ёдгорликлари талқинини «Туркология» фани ўрганади. Маълумки, 1889 йилда Россия География Жамиятининг Шарқий Сибир бўлими Н.М.Ядринцев бошчилигида экспедиция ташкиллаштириб, дарё ҳавзасидаги бир қатор ёдгорликларни ўрганди. Ўрхун ёдгорликларининг кашф этилиши Туркологиянинг ривожланишида янги шарафли саҳифани очиб, бу шарафли саҳифа Ўрхун ёзма ёдгорликлари тилшунослик, илк туркий ёзма ижод намунаси сифатида адабий манба ва тарихий нуқтаи назардан тадқиқ ва таҳлил этилишига илмий доираларда иштиёқ кучлилиги билан аҳамиятлидир. Ва бундай иштиёқ ва зарурат Туркология фанининг шаклланиши учун шарт-шароит яратиб, бугунги кунда ҳам унинг ривожини таъминлаб келмоқда.

«Туркология – шаклланиш жараёни туркий бўлган, туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг тилини, адабиётини, тарихини, этнографиясини,

маданиятини яна руҳоний, маданий қадриятларини тадқиқ этувчи илмнинг соҳаси. Туркология илмининг номланиши ҳозирги туркий халқларга хос, уларнинг аجدодлари, VI-IX асрларда яшаб, Ўрхун, Енисей, Талас ва бошқа ёзма ёдгорликларни келажак авлодларга мерос этиб қолдирган, бир-неча уруф ва қабилалар иттифоқидан ташкил топган макроэтнокалик бирлик – туркларнинг номи билан шаклланиб, ривожланибди» [11;14]. Яъни, Туркология фани туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг тиллари, тарихи, этнографияси, дунёқараши, оғзаки ижоди, урф-одат ва анъалари, диалектал ўзига хослик ўзакларида мужассамлашган умумийлик каби жиҳатларни ўрганувчи фан. Туркология фани туркийларнинг тадрижий такомил босқичларида ушбу элга хос бўлган тарихий-ғоявий жараёнлар эволюциясини ўрганиш учун тошбитиклардан ҳам манба сифатида фойдаланади. «Ҳозирги Туркология фанида турли хил белгилар билан ёзилган туркий ёдгорликлар кенг тарқалган ҳамда улар ўрганилган бўлиб, булар руник, уйғур, манихей, брахма, араб, арман-кипчоқ, чигатой ёзувларидир» [2;492]. Ва бу тошбитиклар туркийлар тарихини ўрганиш билан бир қаторда ҳар бир ижтимоий-тарихий даврга хос бўлган ғоявий жараёнларни ўрганишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Зеро, ҳар қандай муваффақиятнинг асосида жамият аъзоларида ғоявий яхлитлик, умумфаолиятни таъминлашда сафарбар қилувчи ғояга содиқлик хислатлари ётади.

Тарихий тафаккур ҳар бир шахс, этно-ижтимоий бирлик, жамият ижтимоий-сиёсий тараққиётини таъминловчи омил сифатида муҳим. Зеро, инсоният тарихий тараққиётининг цивилизациялашган даври бирон-бир жамиятнинг тарихий тафаккурга асосланган эзгу ғояларсиз ривожлана олмаслигини тасдиқлаб келмоқда. Аجدодларимиз ҳам туркий анъаналар билан бир қаторда, менталь хусусиятларни ҳам асраб-авайлаб келганлар. Туркийлар ўз этнотарихий тараққиёт босқичларида жамият аъзолари тафаккурига эзгуликка ва бунёдкорликка чорловчи ғояларни сингдириб келганки, буни тарихий тафаккурда ўз изини қолдирган маънавий мерос

намуналари ҳам тасдиқлайди. Эрамиздан олдинги даврларда аجدодларимиз эътиқод қилиб келган Зардуштийлик динининг «Авесто» китобидаги ғоявий концепция – «Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» мисолимизнинг ёрқин далилидир. Ундан сўнг ҳам аجدодларимиз ўз этнотарихий тараққиётини ғояларсиз тасаввур эта олмасдан, ўз замондошларини муайян эзгу мақсад атрофида бирлаштириб, келажакка интилиш лозимлигини уқдириб келган. Туркий халқларга хос Тангричилик эътиқодида, шунингдек қадимги туркий ёзма ёдгорликлари бўлган Ўрхун битиктошларида яққол ифодаланиб, Култегин ва Билга ҳоқон ёдгорликлари мисолида буларни учратишимиз мумкин. Бугунги, миллий ўзликни англаб, тарихий тафаккур ривожланаётган бир шароитда ўтмишга меҳр ва муҳаббат ҳиссини тарбиялаш муҳим. Бунинг учун тарихий онгни юксалтириш, қадрият сифатида тарихга ҳолисона муносабатни шакллантириш эътиборлидир. «Албатта, ҳеч бир халқ, ҳеч бир мамлакат ўз ўтмишини англамасдан ва ҳурмат қилмасдан яшай олмайди, бу шунингдек, бошқа давлатлар ва халқларнинг тарихи ҳақида умумий маълумотга эга бўлишни ҳам тақозо этади. Ҳозирги шароитда янги тарихий маданият шаклланаётганлиги кузатилмоқда. Турли хил маълумотларга, ҳаётий тажрибага ва ижтимоий мавқега эга бўлган одамлар асосий қадриятлар саналган ўз халқи ва ватанидан ғурурланишга, фидойилик, ватанпарварлик, жасорат, ҳалоллик, адолат сингари тарихий тажрибалардан келиб чиқувчи хусусият ва ҳислатларни ўзига сингдириб, ўзга халқлар ва давлатлар билан тотувлик ва конструктив ҳамкорлик асосида яшашни ўзининг ҳаётий принципи сифатида қабул қилиши лозим. Ушбу жиҳатларни бевосита тарих бергусидир» [6;63-64]. Демак, тарих ва тарихий тафаккур жамият аъзоларида ўзликни англаб, тарихдан сабоқ чиқариш ҳамда фахр-ифтихор ҳиссини ҳам ривожлантирадики, ушбу жиҳатлар жамият аъзоларининг тарихий тафаккурида мужассамлиги боис эътиборли. Булар тафаккурда ватанпарварлик ва элпарвалик туйғусининг ривожини таъминлашда ҳам муҳим. Шунингдек, ўзга халқ ва миллатлар билан умумийлик жиҳатларни ҳам топа билиш ва бу жиҳатга урғу бериш, бугунги

кунда туркий халқларга хос бағрикенглик тамойилини ҳам таъминлаб борадики, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг таъминланишида – бу ўта зарурий омилдир. Шу боис, тошбитиклардаги қадимий ёзма ёдгорликлардаги ҳикматлар тарғиби тарихий онғни юксалтириб, жамият аъзолари тафаккурида ғоявий омилларнинг устуворлигини таъмишлашда ўтмиш кадриятларидан фойдаланиш – тарихнинг келажак тараққиётини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатади.

Тарих биз учун хулоса чиқариш мактабидир. «Тарих фани авлодлар хотирасида оталар ва боболарнинг интилишларини тақлид қилишни фикрий манба сифатида хотирада сақлашга чорлайди» [6;290]. Яъни, ўтмишдан улғи олиб, аجدодларимизнинг қаҳрамонликларидан руҳланиб, тарихнинг муайян палласида уларнинг муваффақиятсизлигидан сабоқ чиқариш келажакдаги одимларнинг муваффақиятини таъминлашда муҳим. Демак, ўтмишни ўрганиш тарихий кадриятларга муносабатни шакллантириб, маънавиятни юксалтиради. Шу боис, туркий халқлар тафаккур тараққиётида ижтимоий-маънавий омилларнинг ўрни беқиёс. «Маънавият миллатнинг асрлар давомида шаклланган илдизлари, унинг тарихий тажрибалари ва ижтимоий-маданий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган ички (ақлий) интеллектуал ва собит ҳиссий (эмоционал) дунёсидир» [5;9]. Аجدодларимиз тараққиётнинг ҳар бир босқичида ижтимоий-маънавий жараёнлардан сабоқ олиши билан бир қаторда ўзлари томонидан тўплаган тажрибаларининг ижобий қирраларини кундалик жараёнларга сингдириб, бойитиб борди.

Ижтимоий-тарихий тараққиёт натижасида ҳар бир босқичнинг ижобий хусусиятларини ўзида мужассам этган ҳолда туркий халқлар маънавияти юксала борди. Асрлар давомида тўпланган халқ маданияти ва маънавияти ворисийлик анъаналари асосида кейинги авлодларга узатила борди. Шунингдек, ташқи ижтимоий-маданий таъсирлар ички таъсирлар билан бойиб, халқчил моҳият касб этиб бораверди. Айниқса, ислом дини шароитида аجدодларимиз тарихий-маънавий тараққиёт давомида тўплаган ўз тафаккур бойликлари, анъана ва урф-одатларидаги ижобий хислатларнинг

барчасини ушбу тинчликпарвар дин таркибига сингдириб юбордики, бугунги кунда биз эътиқод қиладиган маърифий ислом ўзида кўпроқ халқчил жиҳатларни мужассам этиб, унда миллий менталитетимизнинг ижобий қирралари сингдирилганлиги билан эътиборлидир.

Тарихий тафаккур сарчашмалари бўлган Ўрхун ёзма ёдгорликларида аجدодларимизга хос бўлган мардлик, тантилиқ ва ватанпарварликнинг акс этиши ҳамда бугунги кунда уларни талқин этиб, тарғиб қилиш миллий кадриятларимиз ривожини таъминлаш билан бир қаторда жамиятимиз аъзолари, хусусун ёшлар тафаккурида ватанга ва элга муҳаббат ҳиссининг ривожини юксалтириб борадики, бугунги янгиланишлар шароитида эл бирлигини янада таъминлаб боришда ушбу омил муҳимдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Батманов И.А. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности. – Фрунзе: Изд-во АН Киргизской ССР, 1959. – 220 с.
2. Великая степь: Материалы III Форума гуманитарных наук. I-том. – Астана, 2018. – 492 с.
3. Герман Вейс. История цивилизации: архитектура, вооружение, одежда, утварь: Иллюстрированная энциклопедия в 3-х томах. Классическая древность (до IV в.). Т.1. – Москва: ЭКСМО-Пресс, 2000. – 360 с.
4. Жолдасбеков М., Сарткожаулы К. Атлас Орхонских памятников. – Астана: Культегин, 2006. – 360 с.
5. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 238 б.
6. Народ в потоке истории. Научная серия /Составители Т.Шанбай, А.Ибраева. – Астана: Фоллиант, 2014. – 228 с.
7. Nazarov Nasriddin. Турк тошбитикларининг Енисей ҳавзасидаги илк тадқиқотлар тадрижи //The journal of Academic research in Educational Sciences ISSN 2181-1385 Volume 2, Issue 1 January 2021. – P. 224 – 233. <http://ares.uz/jurnallar-sahifasi/ares-vol-2-no-1-2021>

8. Отаули. Билга ҳоқон достони. – Тошкент: О'zbekuston, 2015. – 304 б.
9. Радлов В.В., Мелиоранский П.М. Древне-тюркские памятники Кошо-Цайдам. – Санкт-Петербург: Типография императорской Академии Наук, 1897. – 124 с.
10. Турсунов Е.Д. Древнетюркский фольклор: истоки и становление. – Алматы: Дайк-Пресс, 2001. – 171 с.
11. Туймебаев Ж.Ж., Ескеева М. Туркитанудын тарихи-лингвистикалык негиздери (Историко-лингвистические основы Тюркологии). – Алматы, 2015. – 308 б.
12. Nazarov Nasriddin. The role of history in reflecting the realities of the past in the context of Turkish runology // PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology. 2020. 17 (12), - P. 868-876
<https://archives.palarch.nl/index.php/jae/article/download/6388/6233/12495>
[6388-Article Text-12495-1-10-20210207.pdf](https://archives.palarch.nl/index.php/jae/article/download/6388/6233/12495)
13. Nazarov Nasriddin. The analysis of Historical conditions in Turkic Runology // PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology. 2020. 17 (7), - P. 6744-6752
<https://archives.palarch.nl/index.php/jae/article/download/3032/2966/5861>
[3032-Article Text-5861-1-10-20201217.pdf](https://archives.palarch.nl/index.php/jae/article/download/3032/2966/5861)
14. Nazarov Nasriddin. Socio-historical significance of Turkish runology promotion // Journal of Hunan University (Natural Sciences) 湖南大学学报 (自然科学版), 2021. N 48 (12) – P. 1668-1675.
<https://johuns.net/index.php/abstract/250.html>
15. Nazarov Nasriddin. Relationship between the Ethnom" Sir" and the Syrdarya Hydronym in Orkhun Writing // Psychology and Education Journal, 2021. 58 (2), - P. 1319-1326.
[2277-Article Text-4272-1-10-20210216.pdf](https://johuns.net/index.php/abstract/250.html)

16. The relationship of Social Anthropology and Turkish thought // Journal of Hunan University (Natural Sciences) 湖南大学学报 (自然科学版), 2021. N 48 (10) – P.1053 – 1062. <https://johuns.net/index.php/abstract/0184.html>
17. Nazarov Nasriddin. Turkic Runology and its Historical Essence // Middle European Scientific Bulletin. Journal Impact Factor IFSIJ 5.43. 2021. April. Volume 11 (1). <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/384>
18. Nazarov Nasriddin. The role of Orkhon-Yenisei written monuments in the development of historical thinking of the Turkic Peoples // Polish Science Journal (Issue 7(28), 2020) Warsaw: Sp. z o. o. "iScience", 2020. – P. 28 – 34. <http://sciencecentrum.pl/wp-content/uploads/2020/07/POLISH%20>

